БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 64 (3802).

2 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Бутун мамлакатимиз космосни биринчи бўлиб забт этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник ЮРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ ГАГАРИН ва жасур учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони инженер-полковник ВЛАДИМИР СЕРГЕЕВИЧ СЕРЕГИН билан чуқур қайғуда сўнгги марта видолашди.

ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Ю. А. ГАГАРИН ВА В. С. СЕРЕГИННИ ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

Ўзининг икки қаҳрамонидан жудо бўлган Ватанимиз чуқур мотам тутди. 30 март куни мамлакатимиз ер юзининг буюк фарзанди, миллион-миллион кишилар учун азиз, биринчи космонавт Юрий Гагаринни охирги йўлга кузатиб қўйди, СССР Ҳарбий-ҳаво Кучлари нинг шонли лочини учувчи Владимир Серегин билан видолашди.

...Москва мотамда. Совет Армияси Марказий уйининг Юрий Гагарин ва Владимир Серегин хоки солинган қутичалар ўрнатилган Қизил байроқли зали мотамсаро кишилар билан лиқ тўла.

Гагариннинг йўқлигига кишининг ҳали ҳам ишонгиси келмайди. У, миллионлар қалбида яшамоқда. Зеро, миллион-миллион кишилар бугун ўзларини шу ерда, биринчи космонавт ва унинг дўсти учувчи Владимир Серегин хоки ёнига келгандек бўлди. Қаҳрамонларнинг, халқ ва партия содиқ фарзандларининг ҳурматини сўнгги бор бажо келтирмоқ учун минг-минглаб кишилар бу ерга келишган эди.

Қаҳрамонларнинг хоки солинган қутичалар қўйилган супача гуллар билан тўлиб кетган. Устунларга қора-қизил аловлар тортиб қўйилган. Келтирилган гулчамбарларнинг сон-саноғи йўқ... Иттифоқдош республикалар, областлардан, Москва шаҳри ва областининг районларидан, корхоналар, илмий тадқиқот муассасаларидан юзлаб гулчамбарлар келтирилган. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари қаҳрамонларга ўз ҳурматларини изҳор этдилар. Бугун Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Йожеф Сипка Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати ва Мудофаа министрлиги номидан гулчамбар қўйди. Гулчамбарлардан бирига: «Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат мажлиси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати» деб ёзиб қўйилган.

Совет Иттифоқи маршаллари ва қўшин турларининг маршаллари, чет мамлакатлар элчихоналарининг вакиллари, таниқли совет олимлари, давлат арбоблари фахрий қоровулда турибдилар.

Ҳукумат комиссиясининг аъзолари А. П. Кириленко, Д. С. Полянский, Д. Ф. Устинов, В. В. Гришин, И. И. Якубовский, А. А. Епишев, К. А. Вершинин, М. В. Келдиш, А. Г. Николаев, М. С. Смиртюков мотам вахтасида турибдилар.

Соат 12. Марҳумлар хоки ёнига одамларнинг кириши тўхтатилади. Ана шу сўнгги дақиқалар фақат уларнинг қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари ва дўстлари ихтиёрига бериб қўйилади.

Мотам куйларининг садолари остида Юрий Гагарин билан Владимир Серегин хоки солинган қутичалар Совет Армияси Марказий уйидан олиб чиқилади. Мотам маросими Қизил майдонга йўл олади.

Минг — минглаб москвалик лар кўчаларга чиқишган. Улар қаҳрамонларни мангулик йўлига узатиб қолишади.

Союзлар уйи ёнида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари мотам маросимига пешвоз чиқадилар. Улар қутичаларни тўп лафетига олиб қўядилар. Маросим Қизил майдонга йўл олади.

Коммунистик партия ва халқнинг содиқ фарзандлари, қаҳрамонлар хотирасини ҳурматлаш учун Қизил майдонда минглаб кишилар тўпланган эди. Гразит минбарларда — Москва меҳнаткашлари ва жамоатчилигининг вакиллари, итгифоқдош республикалар, шаҳар ва областларнинг, Бойқўнғир космодромининг, «космонавтлар шаҳарчаси»нинг вакиллари, учирувчи ракеталар ва космик кемаларни бунёд этган олимлар, конструкторлар, инженерлар, ишчилар, маданият арбоблари, маршаллар ва генераллар, Совет Армиясининг офицерлари турибди.

СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, элчихоналарнинг дипломатик ходимлари, чет эл элчихоналари ҳузуридаги ҳарбий атташелар ҳам ҳозир бўлишган.

Ҳарбий қўшилмалар сафи бутун майдонни эгаллаб, қотиб турибди.

Мотам маросими қатнашчилари Мавзолей ёнига келиб тўхтадилар. Марҳумларнинг хоки солинган қутичалар тўп лафетидан олиниб, В. И. Ленин Мавзолейи олдидаги супачага қўйилади.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, дафн маросимини уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари, космонавт учувчилар Мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

Мотам митинги бошланади. КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари **А. П. Кириленко** сўзга чиқади.

Совет халқи, дейди у, ўзининг энг севикли ва шонли фарзандларидан бири, жаҳонда биринчи космонавт-учувчи, коммунист, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, полковник Юрий Алексеевич Гагарин билан чуқур қайғу, оғир жудолик аламларига гўлиб тошган ҳолда видолашмоқда. Бугун биз жасур ҳарбий учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, коммунист, инженер-полковник Владимир Сергеевич Серегин билан ҳам ҳайрлашмоқдамиз.

Юрий Алексеевич Гагаринининг номи башарият тарихига абадий кирди. Бу ном табиат кучларини ўрганиш ва забт этиш каби оғир йўлда эришилган жуда катта ғалабалар солномасига олтин ҳарфлар билан ёзилади, бу ном инсон ақл-идроки кудратининг мардлик ва новаторликнинг, коммунистик партия ва совет халқи ишига фидокорона хизмат қилишнинг рамзи бўлиб қолди. Юрий Гагарин биринчи бўлиб Коинотнинг бепоён бўшлиқлари сари очилмаган йўллардан борганлиги ва ўзининг беҳодирона жасорати билан космосни забт этиш даврини бошлаганлиги ҳеч қачон унутилмайди.

Юрий Гагаринни ер юзининг ҳамма чеккаларида билар эдилар, уни қаҳрамон халқимизнинг—дунёни революцион қайта қуриш йўлини очиб берган ва ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг биринчи сафларида бораётган қаҳрамон халқимизнинг муносиб намояндаси деб билар эдилар.

Юрий Гагарин Совет кишисига хос ҳамма энг яхши фазилатларни, халққа ва партияга, коммунизм идеалларига чексиз садоқат, жасорат ва довюраклиқни ўзида мужассамлантирди. Юрий Алексеевич билан учрашган ҳамма кишилар уни самимий ва сезгир ўртоқ, дилкаш одам деб билар эдилар. Юксак партиявийлик, меҳнатсеварлик ва камтарлик, ҳарбий бурчни бенуқсон бажариш, ўзининг бутун кучини социалистик Ватанга бағишлашга ҳамиша тайёр туриш унинг фазилатлари эди.

Юрий Алексеевич Гагарин очиб берган сайёралар трассасидан янги кемалар учиб ўтади. Инсон бошқа планеталарга етиб борадиган замон келади. Аммо космик йўл нечоғлик узоқ бўлмасин, космосни забт этишда қанчалик янги ажойиб муваффақиятлар қўлга кирмасин, Юрий Гагарин космонавтларнинг ҳозирги авлодлари ва келгуси авлодлари учун ажойиб, илҳомбахш намуна бўлиб қолади.

Биз Владимир Сергеевич Серегинни Совет Ватанининг содиқ фарзанди деб биламиз. Советлар мамлакатининг бу шонли лочини улуғ Ватан уруши фронтларида фашизмга қарши мардонавор жанг қилди. Владимир Сергеевич авиация қисмининг командири лавозимида ҳам ажойиб ишлар қилди.

Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бутун халқ билан бирга, чет эллардаги дўстларимиз билан бирга, деди А. П. Кириленко, ҳалок бўлган қаҳрамонлар учун чуқур қайғирадилар ва Юрий Алексеевич билан Владимир Сергеевичнинг оилаларига ва қавм-қариндошларига сидқидилдан ҳамдардлик изҳор қиладилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти **М. В. Келдиш** сўз беришга сўз берилади.

Гагаринниг жасорати, деб таъкидлайди у, фанга қўшилган улкан ҳисса бўлди. Бу жасорат инсоният тарихида янги давр — космосга парвоз қилиш даврини, планеталараро алоқа йўлини очиб берди. Бутун дунё бу тарихий жасоратга совет халқининг тинчлик ва тараққиёт ишига қўшган ғоят катта ҳиссаси деб баҳо берди.

Юрий Алексеевич космосга ғолибона парвоз қилганидан кейин тинмай ишлаб, янги билимларни қунт билан эгаллаб борди. У янги космик кемаларнинг экипажларини тайёрлаш учун катта куч сарф қилди, совет космонавтларининг шундан кейинги парвозларини амалга оширишга катта ҳисса қўшди. У олимлар, конструкторлар ва сиёновчилар билан бирга космик техникани ривожлантиришга ўз тажрибасини қўшди.

Юрий Алексеевич билан учрашган ҳамма кишилар унинг образини — совет кишисининг ўйчан, вазмин ва камтар, Ватан бахт-саодати йўлида энг буюк жасоратга тайёр турган довюрак қаҳрамон образини ҳеч қачон унутмайдилар. Унинг номи ижодий гений ва социализм даври кишиси жасоратининг рамзи бўлиб тарих саҳифаларига абадий ёзилади.

Қўрқмас учувчи, улуғ Ватан уруши даврида қаҳрамонларча жасорат кўрсатган Владимир Сергеевич Серегин совет космонавтлари оиласи билан ҳамбарчас боғланган эди. Владимир Сергеевич кейинги вақтларда ўзининг бутун билими, тажрибасини космонавт-учувчилар билан ишлашга, уларнинг учиш маҳоратини мукаммаллаштиришга бағишлади.

Владимир Ильич номли завод слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **С. А. Антонов** минбарга чиқади.

Юрий Гагарин ватанимизнинг азиз фарзанди, улуғ совет халқининг ифтихори ва рамзи эди, дейди у. Асрлар ўтади, лекин бизнинг халқимиз, бутун инсоният биринчи космонавт, коммунист Юрий Гагаринниг кўрсатган ғоят буюк шижоатини ҳеч қачон унутмайди.

Космосни забт этиб донг таратган киши пойтахт корхоналарида ҳамиша қадрдон азиз меҳмон эди. Биз уни ғоят дилкаш ва камтар ,мислсиз жасур ва зийрак киши деб билар ва шунинг учуз севар эдик. Унинг ҳаёти ёшларимиз учун, барча совет кишилари учун мардлик ва жасорат, оташин ватанпарварлик, коммунистик партия ишига садоқат, ватан шон-шухрати йўлидаги шижоатларга ҳамиша тайёр туриш рамзи бўлиб хизмат қилади.

Бундан кейин унинг мулойим табассумини ҳеч қачон кўрмаслик, «жўнадик» деган маънодор сўзини ҳеч қачон эшитмаслик биз учун жуда оғир иш. Лекин биз шунга аминмизки, совет космонавтларининг шонли отряди бундан кейин ҳам кўпаяверади, Юрий Гагариннинг сафдошлари, унинг шогирдлари бошқариб борадиган янги космик кемалар Коинотни забт этиш учун космик трасса бўйлаб парвоз қилаверади.

Заводимизнинг ишчилари қаҳрамон космонавт Юрий Алексеевич Гагаринни ўз коллективининг фахрий аъзолари рўйхатига умрбод қўшиб қўйди. У ҳамиша биз билан бир сафда туриб ғалабадан-ғалабага бораверади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** мотам митингида сўзга чиқиб бундай деди: Юрий Гагаринниг абадий барҳаёт жасоратида коммунистик партия тарбиялаган совет халқининг — қаҳрамон ишчилар синфи, талантли олимлар, инженерлар ва техникларнинг баҳодирона кучи мужассамлангандир.

Юрий Гагарин қиёфасида замондошларимизнинг энг яхши фазилатларини акс эттган. Ватанга, Коммунистик партияга, ўз халқига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат, юксак принципиаллик ва граждалик бурчига содиқлик, олийжаноблик ва маънавий саҳийлик, камтарлик ва инсонийлик фазилатлари туфайли у барча совет кишиларининг, бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

МОСКВА. 29 март. М. В. Фрунзе номидаги Қизил байроқли Совет Армияси Марказий уйининг зали. Суратда: Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари СССР космонавт учувчиси Ю. А. Гагарин ва инженер-полковник В. С. Серегинларнинг хоки солинган қути ёнида фахрий қоровулликда туришган пайт. ТАСС фотохроникаси.

ДАЛАЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

Далалар. Баҳор қуёши тафтидан баҳра олиб яшил либосга бурканаётган файзли далалар! Баҳор сепини ёзаётган шундай дамларда колхоз далаларини айланган сари руҳингиз кўтарилиб, баҳри дилингиз очилади.

Калинин районидаги Охунбоев номли колхоз даласидамиз. Соҳибкор ва сабзавотчиларнинг кўли-қўлига тегмайди. Бир томонда экинлар парвариш қилинаётган бўлса, иккинчи томонда паникда бир группа аёллар помидор кўчатларини расад қилиш билан машғул.

Дала ишларини кузатиб юрган колхоз раиси Зоир Жалилов билан суҳбатлашдик.

— Ўтган юбилей йилини бирмунча яхши якунладик. Ҳосилдорликни бир неча центнерга кўтаришга муваффақ бўлдик. Беш йилликнинг учинчи йилида 1430 тонна картошка, 4864 тонна сабзавот, 352 тонна узум, 304 тонна мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида барча тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Астойдил бел боғлаган хўжалик деҳқонлари кўкламги экиш кампаниясини пухта тараддуд билан кутиб олиб, уни муваффақиятли якунлаш учун курашмоқдалар. Қишда ер ўғитга тўйдирилди. Ҳар гектар ерга ярим тоннага етказиб суперфосфат солинди. Сифатли шудгор қилиб қўйилди.

Колхоз далаларида эрта тонгданоқ ҳаёт қайнайди. Сабзавоткорлар ниҳолларнинг серҳосил бўлиб ривожланиши йўлида барча тажриба ва имкониятларини ишга солишмоқда.

Ҳозирги кунда улар 120 гектар ерга картошка, 194 гектар жойга пиёз, 30 гектарга карам ва бошқа хил сабзавот экинлари экиб бўлдирди. Бу ишларни бажаришда Ҳаким Азизов, Рашид Ҳасанов, Абдували Абдулҳақов бошлиқ бригада сабзаворкорлари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

— Бу йил ҳам халқимиз дастурхонини турли хил ноз-неъматлар билан мўл-кўл қилишдек олижаноб ишга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб оламиз!

Колхоз аъзоларининг шиори ана шундай.

Н. ТЎРАЕВ.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Бўка районидаги Охунбобоев номли колхозининг 2-участка пахтакорлари бу йил ҳар йилгидан анча илгари ишга киришдилар.

Техникани шайлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини барвақт тугаллаб, ерга ишлов бериш ҳам қизитиб юборилди. Илғор механизаторлардан Қ. Тўрақулов, И. Сардоров, А. Ҳатамов каби звено бошлиқлари «пўлат отлари» билан далага 1000 тоннадан зиёдроқ маҳаллий ва фосфорли ўғит чиқариб солишди.

— Бу йилги режаларимиз катта, — дейди участка бошлиғи Эгамқул ака Эрматов. —Мана ерни текислаб, борона қилмоқдамиз. Чигитни экишдан аввал тракторлар ёрдамида 12—13 сантиметр чуқурликда селитра солмоқчимиз. Бу чигитнинг яхши униб чиқишига ёрдам беради. Биз ҳозир беш йилликнинг учинчи йилида мўлжалдаги ҳосилни олиш учун ҳамма тадбирларни кўрмоқдамиз.

А. ҒОЗИҚУЛОВ,
Э. РАҲМОНҚУЛОВ.

КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан 29 мартда Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими бўлди.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, П. Н. Демичев ўртоқлар, Бутунитифоқ юбилей комитетининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. А. Федин, юбилей комитетининг аъзолари, ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари, министрликлар ва марказий муассасаларнинг раҳбарлари, ёзувчилар, санъат арбоблари, журналистлар, чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Қабул маросимида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

Ўртоқ А. Н. КОСИГИН нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар, ҳурматли меҳмонлар!

Халқимиз, ер юзидаги барча илғор кишилар улуғ рус ёзувчиси, революция Бўрон қуши — Алексей Максимович Горький туғилган кунининг 100 йиллигини нишонламоқдалар.

Бутун жаҳонга машҳур санъаткор бўлган, инсоният маданиятига чинакам улкан ҳисса қўшган Горький Ватанимизнинг буюк синфий жангларнинг шоҳиди ва қатнашчиси бўлган Горький ўзининг бутун қудратли талантини меҳнаткаш халқ ишига бағишлади. У, революцион халқининг, ленинчи большевиклар партиясининг тарихий жасоратини зўр бадиий куч билан тасвирлаб берди. Ўз даври — пролетар социалистик революцияси даврининг ажойиб куйчиси бўлган Горький жаҳонга Пушкин ва Гоголь, Лермонтов ва Некрасов, Чернишевский ва Добролюбов, Толстой ва Чехов сингари доҳий ёзувчиларни етиштириб берган рус адабиётининг олижаноб гражданлик анъаналарини муносиб равишда давом эттирди.

Улуғ пролетар ёзувчиси Владимир Ильич Ленининг доно ва дўстона мададини ҳамиша ҳис қилиб турди, ундан ибрат олди, ўзининг ҳаётий ва ижодий йўлини Ленин йўлига қиёс қилиб борди.

Унинг қудратли бадиий таланти гуллаб яшнаганлигига, сайқал берилган инжу каби ранг-баранг жилоланганлигига асосий сабаб шуки, у ўзининг бутун ижодини халқ билан, ишчилар синфининг иши билан, пролетар революцияси ва социализм билан, улуғ Ленин иши билан боғлади.

Азиз ўртоқлар! Вақт ўтиб бормоқда, лекин Горькийнинг улуғ асарлари халқ онгида асло сўнмайди — бу асарлар ўзининг революцион завқ-шавқи, бунёдкорлик жўшқинлиги билан совет кишиларининг кўнглига ҳали ҳам чўғ солиб турибди, яшаш ва меҳнат қилишда, коммунизм қуриш йўлидан муваффақиятли олға боришда бизга ҳамдам бўлмоқда.

Улуғ инсонпарвар ва интернационалист бўлган Горький ўз мамлакатининг оташин ватанпарвари эди. У, биринчи бўлиб Ленин кўрсатган йўлдан бориб, бутун дунё меҳнаткашларига намуна бўлган ва умид бахш этган ўз халқи билан фахрланар эди.

Улуғ ёзувчининг социализм Ватанини ҳимоя қилиб, совет халқининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиб айтган сўзлари бутун дунёда янграб турибди.

Горький жаҳоннинг прогрессив жамоатчилигини империалистик реакция ва фашизмга қарши зарба бериш ва ҳужум бошлаш учун жипслашишга даъват қилган эди.

Унинг «Маданият устолари, сизлар ким билан биргасиз?» деган саволни ташлаб адабиёт ва санъат арбобларига қилган оташин даъвати ҳаммамизнинг эсимизда эканлигини неча марталаб гапирдик ва гапирамиз. Бу чақириқ ҳозирги кунда ҳам Горький кўрсатиб ўтган кучларга қарши курашга даъват бўлиб, бутун дунёда жарангламоқда. Зотан меҳнаткаш халқ билан инсоният келажагининг шубҳасиз ифодачилари бўлган прогрессив маданият усталари: биз Ленин иши тарафдоримиз, улуғ Коммунистик партия иши тарафдоримиз, меҳнаткаш халқ тарафдоримиз, интернационализм тарафдоримиз, деб жавоб бермоқдалар.

Горький кўп миллатли совет адабиётининг тадбиркор ва ғамхўр ташкилотчиси бўла олди. Энг заковатли кишилар, талантли кишиларнинг ҳаммаси ана шу жозибадор ёркин сиймога интилар эди ва у ҳам ҳормай-толмай уларни жипслаштирар, халқ манфаатларига, коммунизм идеалларига садоқат билан ҳалол хизмат қилишга ўргатар эди.

Санъаткор Горькийнинг, граждан ва курашчи Горькийнинг ажойиб анъаналари бизга қадрлидир. Ҳозир ҳам ана шу анъаналар маданият усталарини жонажон мамлакат тақдири учун ,меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун ўз зиммаларидаги масъулиятни пухта англашга чорламоқда. Бу анъаналар катта ва кичик ишларнинг ҳаммасида ғоявий принципиаллик кўрсатишга, халқимиз манфаатларини, социалистик Ватан шарафи ва обрў-номусини, барча халқларнинг озодлик, тинчлик, социализм учун олиб бораётган кураши улуғ ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ўргатмоқда.

Рус халқининг улуғ ёзувчиси тантанали юбилейи ўтказилаётган шу кунда ёзувчиларимизга, совет маданиятининг ҳамма ходимларига янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз, ўртоқлар!

Яшасин совет адабиётининг революцион, горькийча традициялари!

Коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришайлик!

* * *

К. А. Федин жавоб нутқида мамлакатимизда адабиётни ривожлантиришга катта эътибор бераётганликлари, ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. У, юбилей комитети номидан А. М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонларга самимий ташаккур изҳор қилди.

(ТАСС).

ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

(Боши биринчи бетда).

Коммунист Юрий Алексеевич Гагариннинг номи москваликлар учун ғоят азиз ва қадрли номдир, деб таъкидлайди нотиқ. У, пойтахт меҳнаткашлари коллективлари билан, Москва шаҳар партия ташкилотининг ҳаёти билан чамбарчас боғланган эди. Оташин пропагандист Юрий Алексеевич катта ижтимоий снёсий иш олиб борди. У, саноат корхоналари, қурилишларнинг ишчилари, илмий тадқиқот ташкилотларининг ходимлари ҳузурига бориб бир неча марта нутқ сўзлади, коммунистик тарбия ишига катта куч сарфлади.

Москваликлар бугун Юрий Алексеевич Гагарин ва Владимир Сергеевич Серегин билан видолашар эканлар, дейди сўзининг охирида В. В. Гришин, шонли қаҳрамонларимизнинг фожиона ҳалок бўлганлигидан бутун совет халқи билан бирга чуқур қайғирадилар. Коммунист Юрий Гагарин билан коммунист Владимир Серегиннинг порлоқ ҳаёт йўли ҳар бир совет кишиси учун социалистик Ватанга, Коммунистик партия ишига садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш тимсолидир.

Ҳарбий-учувчи подполковник В. А. Абрамичев сўзга чиқади.

— Шундай дақиқалар бўладики, чуқур ҳис туйғуларингни ифодалаш учун, қайғу-аламни изҳор қилиш учун сўз тополмай қолади, киши. Биз, ҳарбий учувчилар ҳам, бутун совет халқи билан бирга худди мана шундай ҳолни бошимиздан кечирмоқдамиз. Космосни жаҳонда биринчи бўлиб забт этган, донг таратган учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Алексеевич Гагарин куч-қуввати тўлишган, ижодий ғайратга тўлиб тошган бир пайтда фожиона ҳалок бўлди.

У, билан бирга, деб сўзини давом эттиради В. А. Абрамичев, довюрак ҳарбий учувчи, Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Сергеевич Серегин ҳалок бўлди. У — жасур ва мард совет лочини, талантли учувчи ва командир эди. Унинг бутун ҳаёти жонажон Ватанга фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда у штурмчи учувчи бўлиб, икки юзга яқин жанговар парвозга кўтарилди, довюраклик ва жасорат кўрсатди. Ватан Владимир Сергеевич Серегинга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон бериб, уни кўпгина жанговар орденлар билан мукофотлаб, унинг мардлиги ва жасоратини муносиб баҳолади.

Ватанимиз совет жангчиларига энг замонавий қурол-яроғлар ва қудратли ҳарбий техникани топшириб қўйган, деди сўнгра нотиқ, ҳозир СССР Ҳарбий Ҳаво Кучлари ихтиёрида турли вазифаларни бажарувчи овоздан тез учувчи, ракета ташийдиган самолётлар бор, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, халқимиз биз учун ҳамма ишларни қилдилар, СССР Қуролли Кучлари тўғрисида зўр ғамхўрлик кўрсатдиларки, бунинг учун армия ва флотнинг бутун шахсий состави каби авиатор жангчилар ҳам уларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиладилар ҳамда жонажон Коммунистик партиямизнинг ҳар қандай чақириғига лаббай деб жавоб бериб, ўзларининг муқаддас ҳарбий бурчларини шараф билан бажаришга доим тайёрдирлар.

СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник А. Г. Николаев ўзларининг қадрдон ўртоғидан жудо бўлган совет космонавтларининг аҳил оиласи чексиз мусибат тортаётганлигини изҳор қилди.

Халқимиз ижодий даҳосининг улуғвор муваффақияти — инсоннинг биринчи бор космосга парвоз қилиши Юрий Алексеевич Гагарин номи билан боғланган, деб такидлайди у. 1961 йил 12 апрель тонги аниқ эсимда, ўша куни Юрий Алексеевич зинапоялардан чиқиб, тарихда мислсиз жасорат кўрсатмоқ учун космик кемага кириб ўтирган эди. У, космосга биринчи марта учиб, кўрсатган қаҳрамонона шижоати учун, мардлик, жасорат ва довюраклик кўрсатганлиги учуз унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Ҳақли равишда уни Коинотнинг биринчи граждани деб атадилар. Юрий Алексеевичнинг номини планетамизнинг ҳамма жойида биладилар. У, Европа, Америка, Осиё, Африканинг кўп мамлакатларига бориб келди. Космос қаҳрамони, советлар мамлакатининг вакили бўлган Юрий Алексеевични ҳамма жойда бажонидил кутиб олишди. У, кўпгина чет эл давлатларининг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Юрий Алексеевичга Чехословакия Социалистик Республикаси, Болгария Халқ Республикасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва Вьетнам Демократик Республикасининг Меҳнат қаҳрамони унвонлари берилди.

Ҳамма стартларда у биз билан бирга бўлди, биз ҳамма парвозларда унинг овозини эшитиб турдик, деб эслайди А. Г. Николаев. Космосга биринчи бўлиб чиқиб, у кўрсатган намуна бизнинг кўнглимизга доимо ишонч солиб турар, янги-янги муваффақиятларга ундар эди. Юрий Алексеевич космонавтларга таълим ва тарбия бериш учун кўп иш қилди. Унинг яқин дўстлари ва ўртоқлари бўлган биздар унинг космик техникани ўрганиш ва космонавтлар ўқишини ташкил этишга алоқадор мураккаб масалаларни нечоғлик сабот ва ғайрат билан ҳал қилганлигини яхши биламиз.

Тажрибали учувчи, тадбиркор командир бўлган бизнинг Юра дилкаш одам эди. Камтарилиги, одамохунлиги, меҳрибонлиги, вазминлиги ва букилмас иродаси билан у ўзини таниган ҳамма кишиларнинг самимий меҳр-муҳаббати ва чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

Ўзимизнинг жанговар ўртоғимиз ва дўстимиз билан ана шу видолашиш дамлари Алексей Максимович Горькийнинг «Лочин ҳақида қўшиқ» асари даги шу сўзлар эсга келади: «Сен ўлган бўлсанг ҳам... Жасур ва довюраклар қўшиғида ҳамиша жонли намуна, озодликка, нурга чорловчи мағрур даъват бўлиб қолаверасан!».

А. Г. Николаев совет космонавтлари коллективи номидан Юрий Гагарин бошлаган шонли ишни давом эттириб, совет космонавтлари бундан буён ҳам космик фазони штурм қилишга тайёр бўлиб турибдилар, деб Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини ва бутун совет халқини ишонтиради.

СССРнинг космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Юрий Алексеевич Гагарин билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони инженер-полковник Владимир Сергеевич Серегин хотирасига бағишланган мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, космонавт учувчилар, ҳарбий-ҳаво кучларининг вакиллари кутичаларни кўтариб, Кремль девори ёнига борадилар.

Ю. А. Гагарин ва В. С. Серегин хоки солинган қутичалар Кремль деворидаги тоқчаларга қўйилади. Бутун мамлакат бир минут сукут сақлаб, уларнинг хотирасини ҳурматлайди.

Тоқчалар ёдгорлик лавҳалари билан ёпиб қўйилади.

Тўп отилиб берилган салют овози гумбурлайди. Совет Иттифоқи гимни садолари янграйди.

Ҳарбий қисмлар Мавзолей олдидан тантанали маш қилиб ўтадилар. Улар Юрий Алексеевич Гагарин билан Владимир Сергеевич Серегин ҳурматини сўнгги бор бажо келтирадилар. (ТАСС).

ЕР ФАРЗАНДИ

Дунё яратилганидан буён ҳали бирон кимса юлдузлар оламига кўтарилмаган эди. Биринчи бўлиб совет кишиси, қаҳрамон Юрий Гагарин жуда баландликка кўтарилиб, куррани айланди. У совет илми кашф этган кемада парвоз қилди. Халқимиз шарафини, мамлакатимиз ва фанимиз шаънини улуғлади. Бундай азамат халқ фарзандлари бизда кўп, аммо Юрий Гагарин алоҳида эди. Бу буюк қаҳрамон инсоннинг чеҳраси ҳам, шахси ҳам шу даражада гўзал эдики, биз уни севардик, у билан фахрланардик — Чкаловлар анъанасини яна ҳам улуғлаган беқиёс лочин сифатида қувонардик, бағримиз бутун эди.

Севикли фарзандларимиз Гагарин, Серёгин ҳалокати ҳақидаги ногиҳоний шум хабар юрагимни ўртаб юборди. Мен бу оғир дақиқаларда қаттиқ алам ичида изтироб чекмоқдаман, шеър ёзиш ҳаяжонидан маҳрумман. Мен унинг парвозлари ҳақида қанчалар куйлаган эдим...

Оғир, ғоятда оғир жудолик.

МИРМУҲСИН,
ёзувчи.

ҚАЛБИМИЗДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Барча совет кишилари каби биз колхозчилар ҳам Юрий Алексеевич Гагарининг номини доимо ҳурмат билан тилга олардик. Деҳқонларимиз инсоният тарихида биринчи бўлиб коинотга йўл очиб берган ва дунёни қойил қолдирган ажойиб учувчи, совет халқининг асл фарзанди Ю. А. Гагаринни энг қадрдони деб билишади. У хизмат вазифасини сидқидилдан бажараётган бир пайтда фожиона ҳалок бўлди. Ўлим уни орамиздан олиб кетди. Лекин биз ажойиб учувчи, космонавт Гагарининг хизматларини ҳеч ёдимиздан чиқармаймиз.

А. АНОРҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги Дмитров номли колхознинг механизатори.

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Космонавт учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Ю. А. Гагарин билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инженер-полковник В. С. Серегин фожиали ҳалок бўлганликлари муносабати билан қуйидагилар чуқур ҳамдардлик изҳор қилдилар:

РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Мудофаа саноати министрлиги, умумий Машинасозлик министрлиги, Машинасозлик министрлиги;

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзи президиуми, Совет — Куба дўстлиги жамияти правленияси;

КПСС Горький область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Коми область комитети, Коми АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Украина Компартияси Львов область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Киров область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Шимолий Осетия область комитети, Шимолий Осетия АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Украина Компартияси Хмельницкий область комитети;

КПСС Брянск область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Комсомольск-Амур шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

КПСС Калуга область Киров шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

КПСС Прокопьевск шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

КПСС Красноярск шаҳар комитети;

КПСС Кемерово шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Туркманистон Компартияси, Ашхобод шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Кузнецк металлургия комбинати коллективи;

Оренбург электр-механика заводи ишчилари;

Ярославль шина заводи коллективи.

Ярославлдаги «Красный перекоп» комбинатининг коллективи;

Закавказье ҳарбий округининг ҳарбий кенгаши;

Белгород областидаги «Родина» қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари;

Ю. А. Гагарин номидаги Шимолий Кавказ болалар темир йўлининг ходимлари ва ёш темир йўлчилари коллективи;

Ульяновск областидаги Радищев номли бўрдоқичилик совхозининг ишчи ва хизматчилари;

Барнаулдаги тери-мўйна фабрикасининг коллективи.

Украина Компартияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети. Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Латвия Компартияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Литва Компартияси Марказий Комитети Литва ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Грузия Компартияси Марказий Комитети. Грузия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Молдавия Компартияси Марказий Комитети Молдавия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Авиация саноати министрлиги;

СССР Енгил саноат министрлиги;

СССР Ташқи ишлар министрлиги;

СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги;

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги микробиология саноати бош бошқармаси;

Украина Компартияси Черкасск область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Бошқирдистон область комитети, Бошқирдистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

КПСС Волгоград область комитети ва область ижроия комитети;

Қозоғистон Компартияси Олмаота область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Кемерово область комитети;

Украина Компартияси Киев область комитети ва область ижроия комитети;

Украина Компартияси Қрим область комитети;

Қозоғистон Компартияси Қўқчатов область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Оренбург область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Ростов область комитети ва область ижроия комитети;

Белоруссия Компартияси Могилев область комитети ва область ижроия комитети;

Грузия Компартияси Ажар область комитета, Ажария АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

КПСС Куйбишев область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Смоленск область комитети ва область ижроия комитети;

Украина Компартияси Херсон область комитети ва область ижроия комитети;

Украина Компартияси Николаев область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Мари область комитети, Мари АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитети;

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

КПСС Ставрополь ўлка комитети ва ўлка ижроия комитети;

КПСС Воронеж область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Тамбов область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Ярославль область комитети ва область ижроия комитети;

Украина Компартияси Днепропетровск область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Чувашия область комитети, Чувашия АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

КПСС Ульяновск область комитети;

КПСС Якутия область комитети, Якутия АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Қозоғистон Компартияси Актюбинск область комитети ва область ижроия комитети;

КПСС Қалмиқ область комитети, Қалмиқ АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Қозоғистон Компартияси Олмаота шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Украина Компартияси Киев шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

КПСС Кемерово область Новокузнецк шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

КПСС Кемерово область Киселев шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Украина Компартияси Днепропетровск шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Украина Компартияси Кривой-Рог шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

КПСС Калуга шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети;

Озарбайжон Компартияси Боку шаҳар комитети;

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг президиуми;

СССР Журналистлар союзи правленияси;

СССР авиация спорти федерацияси;

* * *

Қуйидагилар ҳам таъзиянома юбордилар:

Венгрия Халқ Республикаси авиация федерацияси;

Халқаро авиация федерацияси;

Франция миллий аэроклуби;

ЮНЕСКО бош директори Рене Майо.

(ТАСС).

МАНГУЛИК

Ватанимиз лочинлари Ю. А. Гагарин ва В. С. Серегининг самолётда учиб машқ қилиш вақтида фожиали ҳалок бўлганликлари ҳақидаги ноҳуш хабар факультетимиз ўқитувчилари ва студентларини чуқур қайғу ва изтиробга солди. Юраклардаги дард ва аламни ифодалайдиган сўз йўқ.

Қаҳрамонлар ўлмайди, дейди халқимиз. Чиндан ҳам шундай. Космос саҳифасининг биринчи зарваракини очган, Советлар мамлакатининг шон-шуҳратини олам узра баланд кўтарган Юрий Алексеевич Гагариннинг қулоч турган ҳаммага таниш ва ҳушчақчақ чеҳраси тарих учун абадий қолди. У мангуликка йўл олди.

Юрий Алексеевичда совет кишиларига хос жасорат ва ирода, меҳнатсеварлик ва олижаноблик каби қатор ажойиб фазилатлар мужассам эди. У студент-ёшларимиз учун ўқиш, яшаш ва ойна-Ватанга, партияга садоқат билан хизмат қилишда намуна эди ва шундай бўлиб қолади.

Қаҳрамонларнинг оила аъзолари ғам-аламига шу оғир кунларда ҳаммамиз шерикмиз. Уз Ватани, халқига хизмат қила турио ҳалок бўлган лочинлар олдида бугун бутун жаҳон бош эгиб турибди.

Ю. Гагарин узоқ-узоқ сайёраларга парвоз қилиш орзусида эди. У Ойга, Зуҳрога учиб бориб, космосни забт этишда янги саҳифалар очмоқчи эди. Бунинг учун у сабот ва чидам билан машқ қилар, ўқир, ўрганарди. Ҳеч шубҳа йўқки, унинг бу улуғ орзуларини замондошлари, сафдошлари рўёбга чиқарадилар. Ўшанда фазо сўқмоқларидан бири космос пионери номи билан аталажак.

В. АРХАНГЕЛЬСКИЙ,
Тошкент политехника институти доценти, архитектура факультети партия ташкилотининг секретари.

А. ТУРСУНОВ,
институт снёсий-иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ЎЛМАС НОМ

ЖАҲОННИ ларзага солган бу хабар заводимиз ишчиларини чуқур қайғуда қолдирди. Корхонамиз унинг номига қўйилганда қанчалик қалбимиз қувончга тўлганди, космос пионерининг муборак номи вужудимизда, қонимизда эди...

Унинг фожиали ҳалок бўлганини эшитиб аччиқ гамда қолдик. Наҳотки, космос асрининг Колумби орамиздан кетган бўлса? Наҳотки, энди уни кўролмасак? Бунга асло, асло кўниқиб бўлмасди. Юракларда бир умр аччиқ фарёд, оғир йўқотиш доғи қолди.

Юрий Гагарин Ватанимизнинг асил фарзанди эди. У ҳамиша тилимизда, дилимизда ҳар дақиқа яшаб келди, бундан буён ҳам яшайди. Гагарининг номи инсоният ўзи яратган буюк, умрбоқий инсонларнинг ўчмас номлари қаторида абадий шон-шараф қозонади, бундай кишилар ҳеч қачон ўлмайди. Фақат Ергина эмас, бутун коинот унинг руҳи билан яшайди, уни шарафлайди, чунки биринчи марта инсоннинг иссиқ нафасини фазога таратган — у!

Сен, эй муқаддас инсон! Атиги ўттиз тўрт йил умр кўрдинг. Аммо, қисқа ҳаётингни ҳар дақиқаси асрга татийди. Сен бутун инсоният фахри, энг яхши кишиси бўлиб қоласан.

Ҳ. МИРСАМАДОВ,
Ю. А. Гагарин номидаги «Тошгазтекстильмаш» заводи қуюв цехининг бошлиғи.

ИШОНГИНГ КЕЛМАЙДИ

Дала айланиб келиб идорада эндигина суҳбатлашиб ўтирган эдик. СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Ю. А. Гагарин ҳамда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инженер-полковник В. С. Серегинларнинг фожиали ҳалок бўлганликлари ҳақидаги хабарни эшитиб қолдик.

Ҳаммамиз бошимизни қуйи солганча узоқ вақт жим бўлиб қолдик. Наҳотки, бу хабар рост бўлса. Қулоқларимизга ишонгимиз келмасди.

Юрий Гагарин совет халқининг мард, қаҳрамон фарзанди.

Кўз ўнгимизда ҳамма вақт кулиб турадиган, кувноқ, ҳазилкаш, навқирон Гагариннинг сиймоси гавдаланди. Ахир, у инсоният тарихида биринчи бўлиб космосга йўл олганлардан. Унинг жасорати, шижоати ва маҳоратига барча эл, барча прогрессив инсоният, халқимиз қойил қолган.

Тарих бу қаҳрамонликни сирасира унутмайди. Гагариннинг номи абадий шон-шарафларга бурканган.

Ана шу қайғули дамларда биз колхозчилар ҳам барча совет инсонлари сингари бошимизни қуйи эгиб мотам тутамиз. Мард совет ўғлонининг хотираси қалбларда бир умр сақланади.

Карим АҲМЕДОВ,
Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

ҚИШЛОҚДА САВДО МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

Тер тўкиб ердан дур ундираётган, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшаётган, дастурхонимизни ёз нози-неъматлари билан безатаётган қишлоқ аҳлига юксак маданий савдо хизмати кўрсатиш шарафли вазифадир.

Область матлубот жамиятининг кўпминг кишилик кооператорлари ўтган юбилей йилида бу соҳада бир қатор ажойиб ютуқларни қўлга киритишди. Қишлоқ аҳлининг озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари ҳамда уй-рўзғор буюмларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлида қатор тадбирлар кўришди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Юбилей йилининг товар оборотн плани ортиғи билан бажарилди. Қишлоқ аҳолисига пландан ташқари 1 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Бунга Оржоникидзе, Янгийўл, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятларининг кооператорлари катта ҳисса қўшишди.

Қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган савдо маданиятини янада кўтариш мақсадида савдонинг янги-янги формалари йўлга қўйилди. 1967 йилда янги 105 та савдо ва ишлаб чиқариш муассасалари қишлоқ аҳлига хизмат қилабошлади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, область кооператорларининг кадрлар состави малакали ходимлар билан мустаҳкамланди, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг сафи анча кенгайди.

Область кооператорларининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ана шу ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам қайд қилиб ўтилди. Йиғилишда область матлубот жамиятининг ранси ўртоқ **А. Р. Расулов** область матлубот жамияти юбилей йилидаги хўжалик-молия фаолиятининг якунлари ва беш йилликнинг учинчи йили топшириғини бажариш соҳасидаги вазифалар ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар область кооператорларининг 1968 йилда қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатиш ва унинг маданиятини янада ошириш соҳасидаги вазифаларига тўхталиб ўтишди.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари **А. С. Пономарев** қатнашди ва сўзга чиқди.

Актив қатнашчилари беш йилликнинг учинчи йилида область қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатиладиган савдо хизмати янада яхшилаш юзасидан мажбурият қабул қилишди.

ХАЛҚИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ, СИЗ БАРҲАЁТСИЗ

Радиодан эшитганимизда, газеталардан ўқиганимизда кўзимиздан ёш қалқиди, юрагимиз эзилди. Космосни жаҳонда биринчи бўлиб забт этган, довюрак лочин, қадрдонимиз Юрий Алексеевич Гагарининг бемаҳал ўлим орамиздан юлиб кетганлиги барча совет кишилари учун оғир жудолик бўлди.

Биз ўқитувчилар Гагариндек олижаноб кишини тарбиялаб етиштирганлигимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг номи ҳеч қачон қалбимиздан ўчмайди. Унинг бутун дунёни қойил қолдирган қаҳрамонона ишлари хотирамизда абадий яшайди.

Қадрдонимиз Юрий Гагариннинг оиласига, у билан бирга ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инженер-полковник Владимир Сергеевич Серёгин нинг оиласига ўзимизнинг чуқур қайғумизни билдирамиз.

Ўлмас сиймолар — Юрий Гагарин, Владимир Серёгин, Сизлар ҳар бир ишимизда, коммунизмнинг ғалабаси учун курашимизда ҳамиша сафимиздасиз, ҳамиша қалбимиздасизлар.

Х. ТОЖИЕРОВА,
Бекободдаги Маяковский номли мактаб ўқитувчиси, Бекобод шаҳар Советининг депутати.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. А. Гагарин Ўзбекистонга ҳам келиб, қуёшли республикамиз меҳнаткашларининг азиз меҳмони бўлган эди. Суратларда Ю. А. Гагариннинг тошкентликлар билан учрашган пайти тасвирланган.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотолари.

Совет қурилиши

ИЖРОКОМ СЕКРЕТАРИ

Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети Советлар ролини тинмай ошириб бориш, уларнинг иш услубларини социалистик демократия асосида такомиллаштириб бориш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Партия ташкилотларининг кундалик раҳбарлиги ва якиндан кўрсатиб келаётган ёрдами туфайли маҳаллий Советларнинг иш фаолиятлари кейинги вақтларда янада активлашди, уларнинг омма билан алоқаси янада кучайди. Советлар малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Уларни мунтазам ўқиғиб бориш, малакасини ошириш кенг йўлга қўйилди. Бу эса ижрокомлар, уларнинг бўлим ва бошқармалари ишини тубдан яхшилаш имконини берди.

Ҳозирги даврда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни ўз вақтида тўғри ҳал этиш, талабчан халқимизнинг ҳар бир истак ва аризасига қулоқ солиб, ёрдам кўрсатиш, Советлардан ўз иш формаларини тўхтовсиз такомиллаштириб боришни тақозо этади. Кенг халқ оммасини давлатни бошқариш ишларига кенг жалб этишни талаб қилади. Бу соҳада айниқса, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг секретарлари катта роль ўйнайдилар. Тезкорлик ҳар бир Совет органи, ҳар бир бошқарма аппарати, ҳар бир совет ходимининг иш фаолиятидаги муҳим белгидир.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари секретарлари иш фаолиятидан қатор фактларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Бўка район Совети ижроия комитетининг секретари Дадажон Хожиновни олайлик. Ўртоқ Хожинов фақат ижроия комитет секретари сифатидагина эмас, Совет аппаратининг ходими сифатида кўпдан буён хизмат қилиб келмоқда. Чиндан ҳам унинг бой иш тажрибасини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса арзийди.

Кунлардан бир куни шу районда бўлганимизда ўртоқ Д. Хожинов билан ижроком секретарининг вазифалари ҳақида суҳбат ўтказишга тўғри келди.

— Ижроком секретари сифатида сиз қандай масалаларни ҳал қиласиз?

— У қандай масалани ҳал қилмасин, совет ходимининг иш услубига кўп жиҳатдан боғлиқ, — деб жавоб беради ўртоқ Хожинов, — бизда барча хўжалик ,шунингдек ташкилий масалалар ижроия комитет раҳбарлари ва ижроия комитетга аъзо бўлган ўртоқлар ўртасида тақсимлаб олинган. Менга ижроия комитет ишини планлаштириш қарор лойиҳаларини тайёрлаш, депутатларга кўмаклашиш, доимий комиссия ва унинг активлари ишини ташкил этиш, қишлоқ ҳамда поселка Советлари иши устидан контроллик ўрнатиш, энг муҳими, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини кузатиб бориш каби вазифалар топширилган. Қисқаси доимо район ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб турамиз.

Биз суҳбатни давом эттирар эканмиз, унинг фикрларини тасдиқловчи бир воқеанинг гувоҳи бўлдик.

Шу вақт телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман, ҳа, мен Хожиновман...

Ленинобод қишлоқ Советининг раиси Азизов навбатдаги сессия кун тартибини келишиб олиш учун қўнғироқ қилган экан.

— Сиз мактабларда ўқув-тарбия ишларининг бориши масаласини қўймоқчимиз, деяпсиз, мен бунга қўшилолмай турибман, ўртоқ Азизов.

Дадажон Хожинов бир дам ўйланиб турди-да, кейин сўзида давом этди: — янглишмасам, бу масалани яқиндагина кўриб чиққан эдинглар. Менимча бу сессияда қишлоқни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш масаласи кўрилса яхши бўлмасмиди? Ўзингизга маълумки, қишлоқда бу соҳа оқсоқ аҳволда. Агар депутатларни, жамоатчи активларини шу масалага жалб этсак, қишлоқ анча тартибга келиб қолган бўларди. Ижрокомдан ёрдам керак бўлса, хабар қилинг, албатта кўмаклашамиз.

Азизов ҳам Хожиновнинг фикрига юз фоиз қўшилди. Навбатдаги сессияда қишлоқни ободонлаштириш ва унинг санитария ҳолатини яхшилаш масаласи кўриб чиқилди. Кўриб чиқилдигина эмас, сессия бу масалани кенг муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорнинг ижроси учун депутатлар, кенг жамоатчилик жалб этилди. Қисқа вақт ичида «XX партсъезд» колхозининг барча хонадонларини электрлаштиришга муваффақ бўлинди. Колхоз маблағи билан аҳолини тоза сув билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Почта бўлимлари, дорихона, учта чойхона, учта сартарошхона, 2 та нон цехи, 2 та кутубхона бинолари қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Колхоз маркази билан Қорақудуқ қишлоғини боғловчи катта марказий йўлга асфальт ётқизилди.

Яқинда ўртоқ Хожинов хонасига нуроний бир кампир кириб келди.

— Келинг онажон, хизмат? Янглишмасам сиз шифер ҳақида келган бўлсангиз керак, а? — сўради у.

— Шундай ўғлим.

— Онажон аризангизни кўриб чиқдик, ҳаммаси тайёр. Талабингиз қондирилди. Фақат бироз кутишга тўғри келади. Шифер келди, деган куни биринчи бўлиб сизга берамиз.

— Раҳмат ўғлим, умрингдан барака топ.

Кампир ижроком секретаридан мамнун бўлиб, чиқиб кетди.

Ҳа, шундай. Ўртоқ Хожинов хоҳ хўжалик, хоҳ маданий қурилиш масаласи бўлмасин, сайловчиларнинг наказлари ёки аризалари бўлмасин, уларни ўз вақтида ҳал қилиш учун қурашади. У ҳар бир масалани аниқ ҳал қилишни ўзининг ҳам депутатлик, ҳам ижроком секретари сифатида муҳим бурчи деб билади.

Бундай мисолларни бошқа ижроком секретарларининг иш фаолиятидан ҳам келтириш мумкин. Масалан, меҳнаткашлар депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетининг секретари ўртоқ А. С. Иззатуллаевнинг иш услуби ҳам мақтовга лойиқ. Ўртоқ Иззатуллаев ҳам кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходим.

— Энг муҳими тажрибага суяниш, ишни, касбни севиш керак. Номигагина келиб-кетиш билан халқ ишончини оқлаб бўлмайди. Бизнинг ижроком ҳам мана бундай ташкил этилган: ҳар бир ижроком ходими, ижроком аъзосининг зиммасига юкланган ўз вазифаси бор. Улар вақти-вақти билан ана шу вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисобот бериб туришади. Қандай масалани ҳал қилишмасин, ўзларига нисбатан талабчанлик билан қарашади.

Ижроком секретари депутат сифатида ўз билимини партия ва ҳукуматимизнинг қонун ва қарорлари билан бойитиб бориши, Совет органларининг иш тажрибаларини пухта ўрганиб бориши, энг муҳими халқ ҳаёти билан ҳамнафас бўлиши керак. Ана шундагина у ҳар бир масалани оперативлик билан тўғри, оқилона ҳал қилаолади.

С. ЗОКИРОВ,
область ижроия комитети ташкилий - инструкторлик бўлимининг мудири.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози кутубхонаси ҳамиша гавжум бўлади. Деҳқонлар бу ердан истаган адабиётларини топа олишади. Кутубхонанинг ўқиш зали кеч бўлди дегунча китобхонлар билан тўлади. Суратда: ўқиш залида.

А. Абалян фотоси.

Маорифчилар кенгашдилар

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида яқинда шаҳар халқ маорифи ходимларининг актив йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ерга Тошкентдаги олий педагогика ва ўрта махсус билим юртларининг профессор-ўқитувчилари, илғор тажрибали педагоглар ва жамоатчилик вакиллари тўпланди.

Тошкент шаҳар халқ маорифи ходимлари йиғилишини шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Р. Н. Бобожонова қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан кейин Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори ўртоқ Э. Қодиров «Таълимнинг самарадорлиги ошириш масалалари ва халқ маорифи ходимларининг вазифалар» ҳақида сўзлади. Бу борада шаҳар мактабларида амалга ошириб келинаётган тадбирлар ҳақида Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Т. Дадашев гапирди.

Мазкур масала юзасидан пойтахтдаги 28-ва 99-мактабларнинг директор ва тарбиявий ишларини ташкил этиш бўйича директор ўринбосарлари Васила Ҳўжаева ҳамда Саъдулла Меҳмонов Куйбишев район халқ маорифи бўлими методика кабинетининг мудири Г. Н. Шахлевич, 161-мактаб директори К. Н. Кузнецова ўртоқлар музокарага чиқиб, ўзларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари ўртоқ С. Ф. Плахов якунловчи нутқ сўзлади.

Иккинчи масала юзасидан Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори ўртоқ Х. Аминова сўз берилди. У яқинда ўтказилган III шаҳар педагогик ўқишларининг якунларини маълум қилди.

Шундан кейин бу йил Москва шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ ўқитувчилар съездига Тошкент шаҳридан 22 делегат сайланди. Улар орасида шаҳар мактабларининг машъал педагоглари, таълим-тарбия масканларининг раҳбар ходимлари бор.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

УЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

НАВОИЙ ТОЖИК ДИЁРИДА

Яқинда Узбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг бир группа навоийшунос олимлари Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи олдидан шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференция ўтказиш учун Ленинобод шаҳрига бордилар.

А. С. Пушкин номидаги Давлат театри студентлар, ўқитувчилар, ўқувчилар билан лиқ тўла. Улуғ шоир ижодига бағишланган илмий-назарий конференцияни қисқача кириш сўзи билан очган Ленинобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Ҳожиев тожик ва ўзбек халқларининг анъанавий дўстлик алоқалари тўғрисида, бу дўстлик Жомий ва Навоийлар даврида гуллаб-яшнаганлиги ҳақида эўр мамнуният билан қайд этди.

«Совет навоийшунослиги тарихидан» деган мавзуда доклад қилган филология фанлари кандидати Эргашали Шодиев Октябрь инқилобидан кейинги Совет тожикистони йилларида навоийшунослик айниқса кенг тараққий топганлигини қисқача характерлади.

Йиғилганлар филология фанлари доктори, навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Навоий ва Ҳасан Деҳлавий» мавзуидаги докладини эўр қизиқиш билан тингладилар.

Навоийга бағишланган илмий-назарий конференцияда Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, атоқли текстолог олим Порсо Шамсиевнинг «XV асрда Навоий «Хамса»сининг қўлёзмалар варианти», Ленинобод Давлат педагогика институтининг доценти, тарих фанлари доктори Ғ. Ҳайдаровнинг «Навоий даври», филология фанлари кандидати, доцент Ҳ. Ғ. Очиловнинг «Навоий назмида табиат манзарасининг тараннум этилиши» деган мавзуларда қилган докладлари йиғилиш аҳлида катта таассурот қолдирди.

Мажид ҲАСАНОВ,

Ленинобод—Тошкент.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАР СЛЁТИ

Пойтахтнинг Киров районида аълочи ўқувчиларнинг слётини ўтказиш традицияга айланиб қолган. Яқинда район мактабларининг аълочи ўқувчилари навбатдаги слётни ўтказиш учун Тошкент Округ офицерлар уйига тўпландилар.

Слётни 9-мактабнинг аълочи ўқувчиси Ш. Акбарова очди. Киров район халқ маорифи бўлимининг инспектори З. Комаров «Ўқувчиларга пухта билим берайлик, уларнинг активлигини оширайлик» деган мавзуда доклад қилди.

Слёт охирида район партия комитетининг секретари ўртоқ Л. Бекқулбекова мактаблар олдида турган вазифалар ҳақида сўзлади.

А. РАИМБОЕВ.

УЧ ДУГОНА

Тошкент темир йўл бўлинмасида хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган ҳаракатда муносиб ўрин эгалламоқдалар. Умри Иброҳимова ана шуларнинг биридир. У аввал станция бўйича навбатчи, тарозибон бўлиб ишлади. Мана, 5 йилдирки, темир йўл бўлинмасида диспетчер. У бошчилик қилаётган смена аъзолари мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар. Бу ерда поездлар график бўйича жўнатилаётир, шунинг учун ҳам станцияда Умрининг ҳурмат-эътибори катта. Унга «Бўлимнинг энг яхши диспетчерия вимпели топширилгани бежиз эмас. Кўксида «Меҳнат аълочиси» значоги порлаб турганини айтмай сизми

Собира Дадақўзиева Умрининг сафдошларидан. У юк бўлимида катта инженер бўлиб ишламоқда. Ўз ишига ҳалол ва садқидилдан қарагани учун коллектив ўртасида муносиб обрў қозонган. У қатнов бўлимининг катта инженери Ольга Левицкая билан доимо ҳамкор. Чунки дугонаси қарийб ўн йилдан бери шу касбда ишлаб келади. Поездларнинг бехатар, аниқ қатновини таъминлашда уларнинг кўшаётган ҳиссаси чиндан ҳам тақдирга сазовордир.

А. ПАРИМОВА.

КОРХОНА ФАХРИ

— Мария Ефимовна, картони қирқишга ўтаверайми? — деб сўради штамповкачи Антонина.

— Ҳа, ўтавер, — деди мастер, — айтгандай, трансформатор цехининг заказини бажардингми?

— Ҳа.

Мария Ефимовна Антонина Малишеванинг ишидан кўнгли тўлиб бошқа ишчилар олдига йўл олди. Бу аёл фақат ишдагина эмас, жамоат орасида ҳам, маҳаллада ҳам юксак обрў эгаси. У ишчиларга меҳрибон бўлибгина қолмай, ёшларни тарбиялашда ҳам катта хизмат қилмоқда. Унинг қизлари Оля ва Люба 2-интернатининг аълочи ўқувчилари. Заводнинг кўплаб пешқадам ишчилари Мария Ефимовнанинг шогирдлари ҳисобланадилар. Бу ҳақда ўзи бундай дейди:

— Шогирдларимнинг кўпчилиги хотин-қизлар. Шу қизларда мендан ҳунар ўрганган Перепелкина, Олиничено, Жаборовалар смена топшириқларини 150—160 процентдан бажаришяпти.

Ҳа, заводимиз маъмурияти томонидан ҳалол меҳнатлари учун бир неча марта тақдирланган, корхона Ҳурмат тахтасидан муносиб ўрин олган бу ишчан аёл — Мария Ефимовна Белошенкодир. Мана, ўн олти йилдирки, у тайёрлов цехида самарали ишлаб келмоқда. У беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этмоқда.

Ў. ХИДИРОВ,
Тошкент электр машинасозлиги заводининг ишчиси.

БИЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

ОЧИҚ ДАРС

Дарс жадвали илова қилинган тахтачага кичик бир эълон ҳам осиб қўйилганди. Унда: «11-группа студентларининг навбатдаги машғулоти мактабда ўтказилади» деб хабар қилинган эди.

Қизиқ, нима мақсадда машғулотни мактабга кўчиришган экан? Тағин, келиб-келиб очиқ дарсни-я?

Илмий бўлим мудири Абдуазиз Мирзақулов мақсадимизни тушунди шекилли:

— Биз атайин очиқ дарсларни мактабда ўтказишга қарор қилдик, — деди. — Бунинг фойдаси катта. Ахир, студентлар бўлғуси педагоглар эмасми, мактаб ҳаётига яқинлашсин, дарс ўтиш методикасини мактаб педагогларидан ўргансин, дедик. Яна муҳим томони шундаки, очиқ дарсларга мактаб фан ўқитувчилари ҳам қатнашадилар. Бой педагогик тажрибалар ўртага ташланади. Йўқ демасангиз, сизлар ҳам шу машғулотга қатнашсангиз...»

Бу айни муддао эди: Машғулот мактабнинг физика кабинетида ўтказилди. Бу кабинет кўргазмали қуролларга жуда бой экан. Машғулотни олиб бораётган ўқитувчи столида турли асбоблар, приборлар турибди.

Ўқитувчи ўртоқ Р. Исроилов очиқ дарсни ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳақида гапирди:

— Ўтилган темалар бўйича ким қандай тайёргарлик кўрган? Кимни қандай саволлар қизиқтиради? Машғулот жараёнида биз шуларни савол-жавоблар орқали ойдинлаштиремиз.

Кейин студентларга саволлар билан мурожаат қилди:

— Биз ўтган машғулотда электрон майдон назарияси бўйича суҳбатлашган эдик. Хўш, электр майдонининг ўзи нима? Буни амалда қандай синаб кўриш мумкин?

Хонада ўтирган студентларнинг деярли ҳаммаси «мен жавобга тайёрман» дегандек қўл кўтарди.

— Назира, сен гапириб берақол, — деди ўқитувчи, — қани доскага марҳамат...

Студент Назира Султонова аввал шу тема юзасидан тушунча бериб ўтди, сўнг ўз фикрларини исботлаш мақсадида стол устида турган кўргазмали қуролларга мурожаат қилди.

— Хўш, Назирага қандай саволларингиз бор? — сўради ўқитувчи.

— Тажрибанинг схемаси қандай бўлади? — сўради студент қиз Вилоят Содиқова.

Назира доскага схемани чизар экан, изоҳ бериб борди.

— Жуда яхши, — деди ўқитувчи,— Энди сен, Лола, магнит майдони ҳақида сўзлаб бер-чи.

Лола аниқ жавоб қайтарди. Уа фикрини амалда исботлаб берди.

Машғулот шу зайлда қизиқарли олиб борилди. Техника янгиликлари юзасидан ҳам саволлар берилди. Бу саволларнинг айримларига ўқитувчининг ўзи, айримларига студентлар жавоб қайтардилар.

МУЗИКА «СЕҲРИ»

Ярим очиқ қолган деразадан атрофга ёқимли куй тараларди. У баъзан тўхтаб қолар, кейин яна янграб эшитиларди.

— Бу, музика кабинетимиз, — деди директор Мирза ака Тожиев. — Болаларни ёшликдан нафосат даргоҳига бошлаб бориш жуда муҳим вазифа бўлиб, бунда мактабнинг роли катта. Шунинг учун музика таълими асосий фанлардан бири бўлиб қолди. Айниқса, бошланғич синфлар программаларида ашула дарсига катта аҳамият берилган. Бўлғуси педагоглар шу билим даргоҳининг ўзида музикадан машғулот олиб боришда ҳам пухта малакага эга бўладилар.

Билим юртининг музика кабинети яхшилаб жиҳозланган. Бу ерда 60 та рубоб ва бир пианино бор. Қизларнинг рубобга қўллари келиб қолди.

Студентлар билан машғулотларни Отажон Қодиров ва Ўктамжон Раҳмоновлар олиб боришади. Шу аснода педагог Отажон Қодиров музика таълимидан дарс бераётган экан.

... Ана, яна куй янгради. У энди жуда равон ва шўх ижро этиларди. Демак, бугунги машғулот кўнгилдагидай ўтибди, яна бир куй ўрганилибди.

АҲИЛ ОИЛА

Машғулотларда ҳам, дам олишда ҳам, дарс тайёрлашда ҳам доим бирга бўлиш қандай яхши! Бу билим даргоҳи студентлари ўртасида ҳам ана шундай иноқлик ҳукмрон. Уларнинг орзу-ўйлари, мақсадлари, сир-асрорлари бир-бирларига маълум. Студентларни катта бир аҳил оиланинг аъзолари дейсиз!

Машғулотлардан сўнг студентларни ётоқхонада учратасиз. Улар группа группа бўлиб, қироатхонада турли адабиётлар ўқиш билан банд бўлишади, айримлари маданий тадбирларга қатнашадилар.

Чиндан ҳам ётоқхона дам олиш тарбия ўчоғига айланган. Яқинда бу ерда қизлар клуби очилади. Бу ишга қизлар Совети яқиндан бош қўшмоқда.

Қизлар Совети «Дам олиш кунини қандай ўтказмоқчимиз» деган темада диспут ташкил этган эди. Йиғилишда яхши таклифлар ўртага ташланди. Шундан сўнг билдирилган истаклар асосида Советнинг календарь плани ишлаб чиқилди.

Ҳар шанба кунларида ётоқхона коридорларига эълонлар осиб қўйилади. Уларда «Дам олиш кунида қаерларда бўласиз» деган мазмундаги тадбирлар рўйхати илова қилинади. Албатта, ҳар ким ўзи ёқтирган ишлар билан машғул бўлади. Баъзилар группа бўлиб, экскурсияга йўл олишади. Спорт майдончаси ҳам доим гавжум бўлади.

Қизлар Совети ташаббуси билан яқинда педагогика халқ университети ҳам иш бошлади.

* * *

Сизга айтсак, бу билим юрти ўтган йили Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозида ташкил топган эди. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг, орадан ҳали кўп вақт ўтганича йўқ. Аммо, билим юрти чинакам билим ва тарбия ўчоғига айланди.

— Бу ерда таълим олаётган студентларнинг аксарияти Бекобод шаҳар ва районидан келган қизлардир, — дейди қизлар педагогика билим юртининг директори ўртоқ М. Тожиев. — Шунингдек, кўшни районлардан ҳам қизларни ўқишга таклиф қилганмиз.

Билим юртини совхоз дирекцияси оталиққа олган. Совхоз дирекцияси бўлажак педагоглар учун 80 ўринли ётоқхона қуриб берди. Бу йил эса 100 кишига мўлжалланган ётоқхона ишга туширилади. Район халқ маорифи бўлимидаги ўртоқлар ҳам, қўшни мактаблар педагогик коллективларидан ҳам ёрдам бериб туришибди.

Бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган қизлар педагогика билим юрти ўзининг дастлабки қадамларини қўйди. Унинг истиқболи катта. Орадан икки йил ўтгач, билим юрти биринчи қалдирғочларини учирма қилади. Бошланғич синф ўқитувчилари сафига 120 ёш педагог қўшилади.

А. АЛИЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Янгийўлликларнинг наврўз байрами жуда мазмунли ўтди. Район пахтакорлари Ленин номли колхозга йиғилишиб, наврўз-баҳор байрамини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Баҳор байрами тантанасида сўзга чиққан ўртоқлар қуйидагиларни айтдилар:

«Қизил Октябрь» колхозининг раиси Жўра Очилов:

— Колхозимиз аъзолари наврўз байрамини муносиб нишонладилар. Ҳамма пахта майдонларимиз текисланиб, экишга тахт қилиб қўйилди. Ремонтдан чиқарилган 22 сеялка қайтадан кўрикдан ўтказилди. Биз бу йил барча майдонларга чигитни барвақт экиб оламиз. Экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғит ҳам солиб кетамиз.

Биз экинни уч марта маҳаллий ва минерал ўғит билан озиқлантирамиз. Дефолиацияни барвақт — 28—29 августда бошламоқчимиз. Колхозчиларимиз илғор агротехника фани ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланадилар. Пахтанинг 118-143 кун ичида тўла етилиб пишиши учун барча чора ва тадбирларни амалга оширамиз.

«Партия XXI съезди» колхозининг звено бошлиғи Сланбой Тошматов:

— Колхозимиз аъзолари зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Шу сабабли 14-15 центнердан пахта етиштирилган ерларда эндиликда пахта ҳосилдорлиги икки баробарга кўпайди. Бу йилги мавсумимиз — давлатга 35 центнердан ҳосил етиштириб бериш. Ҳозир шунга яраша иш қиляпмиз. Биз ер текислаб чигит экиш учун барча тайёргарликни олиб бормоқдамиз. Эрта-индин ёппасига экишга киришамиз. Ҳар гектар ердан 37 центнер «оқ олтин» топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

Фрунзе номли колхозининг участка бошлиғи Ўлмасой Анорбоева:

— Ўтган йили ишни механизацияга таянган ҳолда олиб бордик. Бу яхши натижаларни қўлга киритишимизга сабаб бўлди. 194 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 ўрнига 29 центнердан пахта топширдик. Етиштирилган ҳосилимизнинг ҳаммасини машиналар билан йиғиштириб олдик. Мен беш дугонам билан «зангори кема»ларни бошқариб ҳар биримиз 113 тонна етказиб пахта тердик.

«Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи Абдусаттор Қирғизалиев:

— Биз ўтган йили чигитни барвақт экиб ютдик. Пахтамиз эрта етилиб пишди. Ҳосилни ёнгинчиликка қолдирмай, машиналарда териб олдик. Бу йил ҳам ўтган йилда эришган тажрибаларни ишга солиб, ҳар гектар ердан 30 ўрнига 40 центнердан пахта топшириш мажбуриятини оламиз.

Охунбобоев номли колхозининг участка бошлиғи Аҳмад Пўлатов:

— Участкамиз экишга шай. Ҳамма ерда илғорлар тажрибасини кенг жорий қилиб, чигитни тупроқнинг ўз намида ундириб олишга қизғин тайёргарлик кўряпмиз.

«Интернационал» колхозининг раиси Кибор Мамедов:

— Ҳар йили туксиз чигит экиб, катта ютуқларни қўлга киритяпмиз. Туксиз чигит қатор ораларига белгиланган миқдорда тушаётганлиги сабабли кўчатларни ягона қилишга ҳожат қолмаяпти. Биз колхозчиларимиз билан гаплашиб 1200 гектар майдондаги гўзани машинабоп қилиб ўстиришга ва ҳосилнинг қарийб ҳаммасини «зангори кема»лар ёрдами билан териб олишга аҳд қилдик.

Наврўз-баҳор байрамига бағишланган йиғилишда СоюзНИХИ директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Н. Маинонов**, район партия комитетининг биринчи секретари **А. Алимов** ва бошқа ўртоқлар ҳам гапирдилар.

Пахтакорлар чигит экишни ҳамма ерда беками-кўст уюшқоқлик билан бошлаш, чигит суви бермасдан туриб тупроқнинг ўз намида уруғни ундириб олиш, қатқалоққа қарши курашда ратацион мотигалардан моҳирлик билан фойдаланиш ҳақида фойдали фикрлар айтдилар.

М. ГОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Яқинда Олмалиқ мис эритиш заводида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилган эди. Цехда янги маҳсулот ишлаб чиқариш муваффақиятли олиб борилмоқда. Суратда: олтингугурт кислотаси цехининг умумий кўриниши.

А. Тўраев фотоси.

ФУТБОЛ ФУТБОЛ ФУТБОЛ

БОЛГАР СПОРТЧИЛАРИ — МЕҲМОНИМИЗ

Тошкент области ва Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланиб боряпти. Болгар пахтакорлари, кимёгарлари, адабиёт ва санъат аҳллари ҳамда бошқа касб эгалари меҳмонимиз бўлишди. Ўз навбатида областимиз делегациялари Хасковога бориб тажрибаларни ўртоқлашишди.

Куни кеча тошкентликлар Хасково футболчиларини кутиб олишди. Тошкент аэропортида уларни партия, комсомол ташкилотлари, спорт жамоатчилиги илиқ кутиб олди.

Область ижроия комитети раиси ўртоқ Э. Шайхов болгар футболчиларига областимиз ҳақида, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларимиз тўғрисида гапириб берди. Делегация раҳбари З. Стоянов «Дмитрий Канев» командаси ҳақида сўзлади. Хасковолик қаҳрамон футболчи антифашист Дмитрий Канев 1943 йил гитлерчилар томонидан қатл қилинган эди. Команда ана шу қаҳрамон футболчи номи билан аталади. «Дмитрий Канев» Болгария биринчилиги учун жанубий группанинг «Б» классида қатнашади.

Болгар футболчилари дам олиш куни меҳмондўст Тошкент билан танишдилар. Шаҳарнинг бош архитектори А. В. Якушев уларга ҳамроҳ бўлиб Чилонзор массиви, Навоий, Энгельс, Усмон Юсупов, кўчалари ва бошқа жойларни томоша қилишди.

Кечқурун эса колхоз стадионида мезбонлар билан куч синашишди. Рақиблар бир-бирларини жуда яхши билишади. «Политотдел» футболчилари ўтган йилнинг ноябрь ойида Болгарияда бўлишган эди. Сафарда улар «Дмитрий Канев» командаси билан ҳам куч синашганди. Ўшанда ўйин 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугаган эди.

Ёмғир ёғиб турган бўлса ҳам стадионга жуда кўп ишқибозлар келишди. Ўйин ҳам кутилгандек жиддий кураш остида ўтди.

Учрашувнинг дастлабки ўн минутида ҳар иккала команда ўйинчилари ҳисобни очиши мумкин эди. Аввалига Никола Нейчев чап қанотдан узатилган тўпни қабул қилиб олдида, кучли зарб билан дарвозага тепди. Дарвозабон Хрусталев тўпни ушлаб қололмади, ҳимоячилар ёрдамга етиб келишди. Сўнгра Мўминов бўш дарвозага кириб кетаётган тўпни қайтариб қолишга муваффақ бўлди. Политотделчилар ҳам бир неча имкониятлардан фойдаланишолмади. Делчо Станилов ўз дарвозасини ҳушёрлик билан қўриқлади.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида меҳмонлар дарвозабони Ю. Коночкин тепган тўпни ушлаб қололмади. Ўйин тугашига бир неча минут қолганда Коночкин яна бир тўп киритди. Учрашув 2:0 ҳисобида «Политотдел» фойдасига тугади.

— Биз ютқазган бўлсак ҳам хафа эмасман, — деди команда тренери Божидар Митков.— Биринчи таймда яхши ўйнадик. Лекин иккинчи таймда... Ҳечқиси йўқ. Дўстлик ғалаба қилди.

Кечқурун болгар ва ўзбек футболчилари бир пиёла чой устида суҳбат қуришди. Область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. Пономарев, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. Аҳмедов, Болгария спорт делегацияси ва раҳбари Злотин Стоянов, «Политотдел» колхози партия ташкилотининг секретари В. С. Пак, футболчи И. Варламов болгар-совет дўстлиги ҳақида гапиришди.

Суратларда: (ўнгдан чапга) болгариялик футболистларни Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти. Ўйин пайтида.
А. Мальцев фотолари.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

УЧ ҒАЛАБА, БЕШ ДУРАНГ

СССР терма командаси футболчилари Мексика ва Франция мамлакатларига қилган бир ойлик сафарлари давомида 8 та ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Бу учрашувлардан учтасини ғалаба билан, қолганларини дуранг билан якунладилар.

Совет футболчилари учинчи ғалабани Марсель шаҳрида маҳаллий команда билан бўлган ўйинда қўлга киритдилар. Бу команда Франция биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Учрашув 1:0 ҳисобида тугади. Тўпни ўйин охирлаб қолганда Э. Малофеев киритди.

ТАНАФФУСДАН ФАЙДАЛАНИБ

«Пахтакор» футболчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўйинигача бўш турмаслик учун ўртоқлик учрашуви ўтказишга қарор қилдилар. Улар 31 март куни Қарағанданинг «Шахтер» командасини қабул қилдилар. Дўл ва сел ёғиб туришига қарамай футболчилар чиройли ўйин кўрсатдилар. Учрашувнинг биринчи бўлимида пахтакорчи Абдураимов ҳисобни очди. Сўнгра майдон эгаларининг шиддатли ҳужумларидан бирини қайтариш пайтида «Шахтёр» ҳимоячиси ўз дарвозасига тўп уриб қўйди — 2:0.

Танаффусдан сўнг кончилар Н. Любарцев дарвозасига битта тўп киритиб, ҳисобни 2:1 қилдилар.

Олмаотанинг «Қайрат» футболчилари Покистонда тўрт ўйин ўтказиб, ҳаммасини ҳам ғалаба билан тугатдилар. Улар Ражашаҳрида Покистон терма командаси устидан 2:0 ҳисобида сўнгги ғалабани қўлга киритишди.

И Л О Н О В И

Тошкент герпетологларининг биринчи экспедицияси Помир—Олой тоғ этакларига илон овига жўнаб кетди. Улар Ўзбекистон пойтахтининг ҳайвонот боғи учун турли илонлар овлаб, тоғларда қарийб бир ой бўлишади.

Шу баҳор Помир—Олой тоғларида тошкентлик илон овловчиларнинг яна икки экспедицияси ишлайди. Республика Фанлар академияси зоология ва паразитология институти билан Ўрта Осиё зона ҳайвонот комбинатининг герпетологлари Гюрза илони овига тайёрланишяпти. Улар ўз питомникларидаги илонлар сонини тўлдиришлари ва мамлакат фармацевтика саноати учун бир йилда бир ярим килограмм чамаси қуруқ илон захари тайёрлаб беришлари керак.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлиги биносида ўйинчоқлар виставкаси очилди. Виставкада энг яхши деб топилган маҳсулотлар Тошкентдаги ўйинчоқлар фабрикасида ишлаб чиқарилади. Суратда: виставкага қўйилган ўйинчоқлар.

Б. Мазуров фотоси, (ЎзТАГ).

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ПЛАНЕТА ҚАЙҒУДА

РИМ, (ТАСС). СССРнинг Италиядаги элчихонаси ва бошқа совет муассасаларига келаётган кўпдан-кўп телеграммаларда италияликлар Ю. А. Гагарин ҳалокати муносабати билан таъзия билдирмоқдалар. Улар совет кишиларининг қайғусига ҳамдард эканликларини ёзмоқдалар.

Модена вилояти ижроия кенгашининг аъзолари: «жаҳонда биринчи бўлиб инсониятга космик даврни мардонавор ҳиммат билан очиб берган Юрий Гагаринининг фожиона ҳалокати муносабати билан сиз билан бирга қайғурмоқдамиз» деб ёзганлар. Неаполь шаҳри меҳнат палатаси юборган телеграммада: «Неаполь меҳнаткашлари чуқур қайғудалар» дейилади.

ЖЕНЕВА, (ТАСС). «Ажойиб инсон Юрий Гагарин ҳалокатидан чуқур қайғурмоқдамиз», «Унинг хотираси келажак авлодлар учун ҳам порлаб туражак», «Жаҳонда биринчи космонавтнинг фожиали вафотидан совет халқи билан бирга қайғурмоқдамиз».

Бундай ёзувлар жуда кўп. Ю. А. Гагариннинг гулларга бурканган портрети ёнига қўйилган таъзияномаларнинг кўп саҳифаларини шундай ёзувлар билан тўлган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Женевадаги бўлими ҳузуридаги СССР ваколатхонаси биносига янгидан-янги кишилар келиб турибди.

Швейцарияда чиқадиган газеталарнинг жуда кўп материаллари қаҳрамон космонавт хотирасига бағишланган.

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ю. А. Гагарин ва В. С. Серегинларнинг фожиона ҳалокати муносабати билан СССРнинг БМТдаги доимий ваколатхонаси чуқур таъзия изҳор қилинган кўпдан-кўп телеграммалар ва хатлар олмоқда.

БМТ ҳузуридаги турли мамлакатлар доимий ваколатхоналарининг бошлиқлари, АҚШнинг жамоат арбоблари, оддий америкаликлар таъзия билдирмоқдалар.

Америкалик 55 космонавтнинг совет космонавтларига йўллаган таъзия телеграммасида бундай дейилади: «Юрий Гагаринининг вафоти туфайли қайғу-аламингизга ҳамдардмиз. Ў, космосда парвоз қилган биринчи учувчи бўлиб, ажойиб муваффақиятларга эришди. Бу ютуқини ҳеч ким ва ҳеч қачон инсон хотирасидан ўчира олмайди. Таъзиямизни Валентина Гагаринага, унинг фарзандларига, Владимир Серегин онласига етказишингизни сўраймиз».

ХАНОЙ, 30 март. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг вице президенти Тон Дик Тханг Ханойдаги совет мухбирлари билан учрашувда жаҳонда биринчи космонавт ўртоқ Гагаринининг фожиали ҳалокатидан бутун Вьетнам халқи беҳад қайғуда, деди.

Совет халқи, деб давом қилди у, эришган ажойиб ютуқлари билан ўз ватани шуҳратини оширган, космосни Совет Иттифоқи забт қилишида актив ҳисса қўшган улуғ фарзандидан айрилди.

Вьетнам халқи Американинг империалистик агрессиясига қарши умумий курашида яқин дўстидан айрилди.

Бутун прогрессив инсоният социалистик фан ва техника илғор фронтининг ажойиб курашчисидан махрум бўлди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий комитети, ВДР Миллат мажлиси, Вьетнам — Совет дўстлиги жамияти, Вьетнам халқи номидан КПСС Марказий Комитетига, қардош Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқига, Гагарин ва Серегин ўртоқларининг оилаларига энг чуқур таъзиялар йўллайман, деди Тон Дик Тханг.

ИСРОИЛ АГРЕССОРЛАРИ ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН

Яқин Шарқдаги аҳвол яна жуда кескинлашди. Исроил қўшинлари қуруқликдаги катта ҳарбий қисмларни ва ҳаво кучларини ишга солиб, Иорданияга яна бир босқинчилик ҳужумини қилдилар. Бу кейинги ҳарбий нғвоғарлик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг ҳамма принципларини шу қадар қўпол бузишдан иборат бўлдики, натижада хавфсизлик кенгаши Исроилни яқдиллик билан қоралади ва бундай нғвоғарликларнинг такрорланишига йўл қўймасликни талаб қилди.

Қўшни араб давлатларига қарши агрессияни давом эттираётган империалист Исроил давлати Яқин Шарқдаги можарони сиёсий бартараф қилишни мумкин қадар орқага суришга интилмоқда.

Қўшма Штатлар Исроил империалистларининг хомийи бўлиш ролини ўйнаётганлиги тасодифий эмас. АҚШнинг ўзи Вьетнам халқига қарши жиноятқорона агрессив уруш олиб бормоқда. Америка агрессорларини Исроилдаги малайлари билан бирлаштириб турган нарса шуки, улар Миллий озодлик ҳаракатига ва бу ҳаракатнинг илғор сафларига зарба беришга интилмоқдалар. Исроил ҳарбийлари Иорданияга қабиҳ ҳужум қилиб, бошқа мақсадлар билан бир қаторда араблар бирлигига раҳна солишга ҳам интилдилар. Улар Бирлашган Араб Республикасининг обрўсига путур етказишга очиқдан-очиқ интилдилар, шунинг учун ҳам Исроил пропагандаси Бирлашган Араб Республикасининг ўз қўшинларига ёрдам беришга «ожиз» деб тасвирламоқда.

Исроил агрессорларининг асосий хомийси бўлган Қўшма Штатлар икки ёқлама найранг ишлатиб келмоқда. АҚШ араблар дунёсидаги ўзининг позициясини батамом бой бериб қўйишдан қўрқиб, ўзини араб мамлакатларининг гўё дўсти қилиб кўрсатишга уринмоқда. Америка вакили Исроилни қоралайдиган резолюцияни ёқлаб, хавфсизлик кенгашида бошқа мамлакатлар билан бирга овоз берганлигининг сабаби ҳам мана шундадир. Лекин амалда эса АҚШ агрессорни жиловлаб қўйиш учун заррача ҳаракат қилаётгани йўқ.

Совет Иттифоқи Исроил агрессиясини тўхтатишга ва бу агрессиянинг ҳамма оқибатларини тугатишга бошқа тинчликсевар давлатлар билан бирга қатъий ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун биринчи галда хавфсизлик кенгашининг Исроил қўшинларини барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги 1967 йил 22 ноябрдаги қарорини бажариш зарур. Совет ҳукумати ўзининг кейинги баёнотида агрессияни давом эттириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хусусида агрессорларни жиддий огоҳлантирди.

Г. ШИШКИН,
ТАСС.

ЛЮДВИГ СВОБОДАНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ўртоқ Людвиг Свобода 1895 йил 25 ноябрда Чехиядаги Грознатин қишлоғида туғилган. Биринчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматчи бўлган Л. Свобода руслар томонига ўтиб, чехословаклар легионига кирди ва бу легионда взвод командири бўлиб хизмат қилди.

1920 йилда Л. Свобода ватанига қайтиб кетиб, бир оз вақт отасининг ҳўжалигини бошқариб турди. 1922 йилда у Чехословакия армияси сафига қайтиб кирди. 1931—1934 йилларда Франциядаги ҳарбий академияда ўқитувчилик қилди.

Чехословакияни нацистлар оккупация қилиб олганидан кейин Л. Свобода Шарқий Моравияда босқинчиларга қарши махфий ҳаракатни ташкил этишда актив қатнашди. 1939 йилнинг ёзида Л. Свобода Польшага ўтиб, Краковда Чехословак ҳарбий қисмини тузди. Поляклариинг қаршилик ҳаракати маглубиятга учрагандан кейин у ҳарбий қисм билан бирга Совет Иттифоқига ўтди. СССРга ҳужум бошланганидан кейин Л. Свобода Бузулукда биринчи чехословак армия батальонини тузди, бу батальон 1943 йилнинг январида Соколов яқинидаги жангда шуҳрат қозонди.

1943 йил ўзида биринчи чехословак алоҳида бригадаси тузилди, Л. Свобода командирлик қилган бу бригада Киев учун бўлган жангларда биринчи марта қатнашди. У СССРдаги биринчи чехословак армия корпусига бош бўлиб, Дукель операциясида ва Словакиядаги жангларда қатнашди.

1945 йил 4 апрелда Л. Свобода миллий мудофаа министри лавозимига тайинланди, у ҳукуматнинг Кошице программасига имзо чекди ва Чехословакия ҳукумати билан ватанига қайтди.

Л. Свобода 1945—1950 йилларда миллий мудофаа министри бўлиб турганида Чехословакиянинг янги халқ армиясини ташкил этиш соҳасида иш олиб борди.

1948 йилнинг февралида Л. Свобода миллат мажлиси депутатлигига сайланди. Чехословакия Коммунистик партияси сафига кирди, партия Марказий Комитети аъзолигига сайланди.

Орадан сал вақт ўтгач Л. Свобода Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари ҳамда физкультура ва спорт ишлари давлат комитетининг раиси бўлиб сайланди.

1956 йилдан бошлаб Л. Свобода Климент Готвальд номидаги ҳарбий академиянинг бошлиғи бўлиб ишлади. 1959 йилда у пенсияга чиққан бўлса ҳам, лекин сиёсий фаолиятни давом эттириб келди.

1945 йилдан бери Л. Свобода Чехословакия-Совет дўстлиги иттифоқи президиумида актив ишлаб келмоқда. У — 1948 йилдан бери миллат мажлисининг депутати ва антифашист курашчилар иттифоқи президиумининг аъзоси.

Л. Свобода Чехословакиянинг олий мукофотлари билан тақдирланган. 1965 йилда унга мамлакатда биринчи бўлиб Чехословакия Социалистик Республикасининг қаҳрамони унвони берилди. У «Социалистик ватан қурилиши учун», Климент Готвальд ордени билан, республика орденлари билан, Оқ шер, словаклар миллий қўзғолони орденлари ҳамда бошқа кўпгина орден ва медаллар билан мукофотланди. 1965 йилда унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. У Ленин ордени ва Суворов ордени билан, шунингдек бошқа бир қанча мамлакатларнинг орденлари билан ҳам мукофотланган.

(ЧТК—ТАСС).

ВАРШАВАДА яшовчи Генрих Мамай кўп йиллар мобайнида турли авиация компанияларига қарашли эмблема ва значокларни йиғиб келмоқда. Уларнинг сони 800 дан ошди. Суратда: Генрих Мамай значоклар тизмаси олдида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ПАНАМАДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Панамадаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Яқинда миллат мажлиси президентлик лавозимидан олиб ташлаган Марко Роблес тарафдорлари билан унинг муҳолифларидан иборат икки гуруҳ ўртасида ҳокимият учун кураш давом этмоқда.

Вужудга келган қўш ҳокимият натижасида мамлакатдаги аҳвол устидан назорат Роблесни қувватловчи миллий гвардия бош қўмондони генерал Вальярино қўлига ўтди. Қўшинлар пойтахтни қуршаб олди. Оппозицияни қўллаб-қувватлаб студентлар ўтказган намойишни бостириш учун генерал Вальярино миллий гвардиячиларни юборди. Намойишчиларга қарши ўқ отувчи қурол ишлатилди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

ИТАЛИЯ

РИМ. «Монтэдисон» ва «Петрусода» компанияларининг Игдезнас шаҳридаги (Сардиния ороли) конлари шахтерларидан икки мингдан кўпроқ киши 50 ўртоғининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб, ўз ишларини тўхтатишди.

Шахтерлар шаҳарнинг марказий кўчаларидан юриб, муниципалитет биноси ёнига бордилар ва уни эгалладилар. Кончилар касаба союзлари эълон қилган баёнотда бундай дейилади: маъмурлар меҳнаткашлари ялпи ишдан бўшатишни тўхтатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмагунча иш ташловчилар муниципалитетдан чиқиб кетмайдилар. Сўнгги ойлардагина Сардинияда бир ярим минг кончи ишдан бўшатилди.

Палермо ва Киети шаҳарларида ҳам оммавий забастовкалар бўлмоқда.

ИРЛАНДИЯ

ЛОНДОН. Ирландия Республикасидаги электростанцияларда ғайри расмий забастовка давом этмоқда. Иш ташловчилар меҳнатга ҳақ тўлаш системасининг қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқдалар. Бир қанча жойларда улар 1966 йилги қонунни кучга киритиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини бўйсунишдан бош тортмоқдалар ва электростанциялар олдида пикетлар ташкил қилдилар. Электростанцияларда забастовкаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан пикетлар ташкил қилишни ва бошқа ҳаракатларни таъқиқловчи шу қонунга асосан, полиция 35 ишчига суд чақирув қоғозини топширди.

Электр энергияси берилмай қўйилганлиги сабабли Ирландияда кўпгина саноат корхоналари ёпилиб қолди.

ИСПАНИЯ

ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг мухбири Мадриддан хабар беради: Мадрид металлист ишчиларидан қарийб 700 киши яширин ишчилар ҳаракати уюштирган митингда қатнашди. Митинг қатнашчилари иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Митинг бўлаётган жойга етиб келган полициячилар кўп кишини қамоққа олдилар.

МАЛАЙЗИЯ

СИНГАПУР. Малайзия плантация ишчиларининг миллий касаба союзи каучук плантациялари ишчилари иш ҳақининг оширилишига ва меҳнат шароитининг яхшиланишига эришди. Касаба союзининг талабларини қараб чиққан арбитраж суд чиқарган қарорда бундай дейилади: бундан буён каучук плантацияларн ишчиларининг иш ҳақи каучукнинг жаҳон нархларига боғлиқ бўлмаслиги керак. Чунки каучукнинг жаҳон нархлари барқарор эмас. (Малайзия экономикаси асосан каучукнинг жаҳон нархларига боғлиқдир. Бу нархлар сўнгги йилларда анча пасайиб кетди).

(ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар, 18.15 — Узбекистон винолари, 18.35 — Кино янгиликлари.

Узбек тилида: 20.00 — «Дўстлик» тўлқинида (Тожикистон меҳнаткашлари учун), 21.00 — Телеянгиликлар, 21.15 — К. Маркс асарлари ўзбек тилида. (К. Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан), 21.35 — Апрель тезислари (телефильм), 22.05 — Ўлмас сиймо. (А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал).

Рус тилида: 18.00— Ўқув эшиттиришлари программаси. Адабиёт ва санъатни билинг ва севинг!, 18.30 — Ўқув фильмотекаси жавонида (ўқитувчилар учун), 19.00 — Назарий механика (студентлар учун).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00— Дарсликларингиз саҳифалари (мактаб ўқувчилари учун).

Рус тилида: 20.35 — Қардош Венгрия диёрида, 21.00 — Тошкент янгиликлари, 21.10 — Хасадгўй (телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 2/IV да Катта концерт, 3/IV да Боғчасарой фонтани.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да Гавҳари шамчироқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ургатилган шерлар аттракциони. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Қасос — «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «УЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Икки дил достони — «ДРУЖБА» (1-залда), НАВОИЙ номли (Ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

У бир ўзи кетди (1 ва 2-серия), Ғ. Ғулом номли (кундуз ва кечқуруи).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Геология министрлиги ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

лаборатория мудирлари: ер ости суви режими ва балансн, минерал ва термаль сувлар, вертикаль дренаж;

гидрогеология ва инженерлик геологиясини ўрганиш ва нашрга тайёрлаш бўлими мудири;

лабораторияларнинг катта илмий ходимлари: гидрогеологомелиоратив маълумот (2 ўрин), нишаб ва қияликларнинг чидамлилиги (2), гидрогеохимия; ресурслар бўлими, ер ости сувларини сақлаш ва эксплуатация методи.

Фан докторлари ва кандидатлари унвонига эга бўлган кишилар конкурсга қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 33-уйга юборилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ҲАР КУНИ

Энг ёш ўргатувчи БОРИС ДЕНИСОВнинг ЎЗИ ЎРГАТГАН ШЕРЛАР ГРУППАСИ билан ГАСТРОЛЛАРИ

Гиламда — РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вяткин.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08276. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1832.